

Муминов Нозим Гаффарович,

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети “Иқтисодиёт назарияси” кафедраси профессори, иқтисод фанлари номзоди

Zhang Hui,

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети мустақил изланувчиси

ХИТОЙНИ ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

УДК: 332.2

МУМИНОВ Н.Г., ZHANG HUI. ХИТОЙНИ ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Мамлакат аҳолисини сони билан ҳудуддаги экин майдонлари ўртасидаги тарихан шаклланган диспропорция узоқ йилларга Хитойнинг давлат сиёсатини йўналишларини белгилаб берди. Қишлоқ хўжалиги билан шуғулланувчиларни катта ҳажмда давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш ва қишлоқ хўжалигини кимёлаштиришни кенг миқёсда ўсиб бориши XXI асрнинг биринчи ўн йиллигидаёқ тўйиб овқатланмаслик ва очарчиликни енгиш имконини берди. Бунда ўзи ишлаб чиқарган озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўзини ўзи таъминлашнинг юқори даражасига эришиш ХХРни миллий озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдаги бир босқичи ҳисобланади. Охириги йиллар учун озиқ-овқат маҳсулотларини формал мавжудлигидан уларни аҳолини кенг қатламларини истеъмолига яраши учун арзонлаштирилиши характерлидир. Хитой АСК интенсификациялашувининг бошқа жиҳати экологик муаммоларни чуқурлашуви, ва буни натижасида ерларни фойдаланишдан чиқиб кетиши эвазига экин майдонларини қисқаришидир. Ушбу омил узоқ муддатли истиқболда мамлакатни озиқ-овқат импортига боғлиқлигини ошиб боришини прогнозлаш имконини беради.

Таянч иборалар: озиқ-овқат хавфсизлиги, Хитой, ўзини ўзи таъминлаш, давлат сиёсати, озиқ-овқат товар айланмаси.

МУМИНОВ Н.Г., ZHANG HUI. ОСОБЕННОСТИ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ПРОДОВОЛЬСТВЕННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ КИТАЯ НА СОВРЕМЕННОМ ЭТАПЕ

Исторически сложившаяся колоссальная диспропорция между численностью населения страны и располагаемыми ею плодородными угодьями определила направление государственной политики Китая в данной области на долгие годы. Существенная финансовая поддержка аграриев со стороны государства и всевозрастающая химизация сельского хозяйства помогли к концу первого десятилетия XXI в. преодолеть недоедание и голод. При этом достижение высокого уровня самообеспечения продовольствием собственного производства представляет собой лишь одну из ступеней на пути КНР к обеспечению национальной продовольственной безопасности. Для последних лет характерна корректировка вектора приложения усилий с формального наличия продовольствия

на повышение его экономической доступности для широких слоев населения. Обратной стороной интенсификации китайского АПК стало усугубление экологических проблем и, как следствие, сокращение посевных площадей ввиду деградации почв. Данный фактор позволяет прогнозировать увеличение зависимости страны от импорта продовольствия в долгосрочной перспективе.

Ключевые слова: продовольственная безопасность, Китай, самообеспечение, государственная политика, товарооборот продовольствия.

MUMINOV N.G., ZHANG HUI. FEATURES OF ENSURING FOOD SECURITY IN CHINA AT THE PRESENT STAGE

The historically formed a huge disproportion between the population of the country and available fertile land has determined the direction of China's state policy in this area for many years. By the end of the 21st century's first decade substantial financial support of farmers on behalf the state and the sustainable increasing chemicalization of agriculture helped to overcome malnutrition and hunger. At the same time, the achievement of a high level of food's self-sufficiency of own production is only one of PRC's steps to ensure national food security. Recent years have been characterized by the adjustment of the vector of application of efforts from the just formal availability of food, to increasing its accessibility for broad strata of the population economically. The downside of the intensification of the Chinese agro-industrial complex was the aggravation of environmental problems and, as a result, a reduction in cultivated areas due to soil degradation. This factor makes it possible to predict an increase in the country's dependence on food imports in the long term.

Key words: food security, China, self-sufficiency, government policy, food turnover.

Кириш. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш – жаҳон ҳамжамиятининг энг долзарб муаммоларидандир. Хитой Халқ Республикаси аҳоли сони бўйича дунёдаги энг йирик ва ҳудуди бўйича жаҳонда учинчи ўринда турувчи (Россия Федерацияси ва Канададан кейин) мамлакат ҳисобланади. Шу билан бирга сайёрамиз аҳолисининг 1/5 қисмига эга бўла туриб, экин майдонларининг жаҳондаги бор йўғи 7% тўғри келади¹. Мамлакатнинг қолган қисми – бу тоғли ҳудудлар, чўл ва яримчўллардир, бу ҳол ушбу ҳудудларда аҳолини кўплаб жойлаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкиллаштиришга салбий таъсир кўрсатади. Натижада, аҳолининг асосий қисми Хитойнинг шарқий ва жануби-шарқий ҳудудларидаги дарёбўйи водийларида истиқомат қилади. Шу сабабдан ХХР учун – ўз аҳолисини эҳтиёжларини максимал даражада қондирувчи озиқ-овқат тизимини моделлаштириш ўта муҳим вазифа ҳисобланади. ХХРнинг бу соҳадаги тажрибасини тўлиқ англаш ва тизимлаштириш Ўзбекистон Республикаси ҳукуматига озиқ-овқат тақсимотининг миллий тизимига бошқача ёндашиш имконини беради.

Хитой иқтисодий тарихидаги энг катта муаммо – деҳқон хўжаликлари ўртасида ерни тақсимлашда балансга эришишдир. Очарчи-

ликка қарши курашиш Хитой маданиятида алоҳида муқаддас мазмунга эга, бунда очарчилик ва тўйиб овқатланмаслик ҳукмдорларни алмашиши, ҳукуматни бир сулоладан иккинчисига ўтиш бўйича механизм ишга тушиб кетади. Бунда мамлакат аҳолисининг кенг қатламлари ўзини боқиши учун қулай шарт-шароитларни яратилиши Хитойда барқарорликка эришишнинг асосий шарти ҳисобланган².

Тадқиқот мақсади. Хитойни экин майдонлари ҳолати, давлат томонидан қўллаб-қувватланиш даражаси, озиқ-овқат маҳсулотлари экспорти ва импорти ўртасидаги мутаносибликларни чуқур таҳлил этиш орқали озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Илмий муаммонинг қўйилиши.

Хитойда озиқ-овқат хавфсизлиги масалаларини ўрганиш ва тадқиқ этиш узоқ даврдан бери амалга оширилади. Асрлар давомида очарчиликка, тўйиб овқатланмасликка қарши курашиш ҳукмрон доираларининг энг муҳим вазифаларидан ҳисобланганлиги Жидков О.А. ва Крашенникова Н.А.лар томонидан ўрганилган.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун мўлжалланган экин майдонларидан сама-

¹ URL: <https://population.un.org/wpp/>; URL: <http://www.moa.gov.cn/jg/>.

² История государства и права зарубежных стран / под общ. ред. О. А. Жидкова, Н. А. Крашенниковой. – 2-е изд. стереотип. – Ч. 1. – М.: Норма, 2004. – С. 525.

рали фойдаланиш ва озиқ-овқат мустақиллигига эришишга эришиш масалалари Л.Б.Боброва, А.А.Кравченко, О.О.Сергеева ва Н.Г.Муминовлар томонидан таҳлил этилгандир.

Хитойда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларга нисбатан протекционизм сиёсатини қўлланилиши ва унинг асосий сабаблари D.S.Mahendra, F.Zhong ларнинг тадқиқотларида ўрганилгандир.

Озиқ-овқат хавфсизлигига эришишда тарихий ёндашув билан бирга экин майдонлари ва улардан фойдаланишдаги хатоликлар, ГМО-экинларини экиш ва уларни ерни деградациясига таъсири, мамлакатнинг уруғчилик ва зотларни кўпайтириш базаси мавжуд эмаслиги - озиқ-овқат хавфсизлигига бевосита боғлиқлиги масалалари комплекс равишда тадқиқ этилмаган.

Тадқиқот методологияси. Ушбу тадқиқот ишида илмий абстракция, диалектик тадқиқот, индукция ва дедукция, мақсадли ривожлантириш, монографик кузатув, тизимли ва қиёсий таҳлил, эксперт баҳолаш ва иқтисодий статистик усуллардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар.

XX асрда бўлиб ўтган сиёсий ислохотлар бир томондан мамлакатда демографик бўшлиқларни пайдо бўлишига олиб келган бўлса, иккинчи томондан агросаноат ишлаб чиқариши интенсификациялашуви ва механизациялашувини тубдан ўзгарган янги даражага олиб чиқди¹. Замонавий Хитой бир йилда қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан 2 маротабадан 5 маротабагача ҳосил олади. Мамлакатни озиқ-овқат мустақиллигига эришиши ҳукумат олдида турган энг муҳим вазифалардандир².

Ҳозирги вақтда Хитой томонидан бутун тарихи давомида энг юқори даражада озиқ-овқат хавфсизлигига эришганлигини қайд этиш ўринли. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан ички эҳтиёжларни қондириш тахминан 90%ни таш-

кил этади³. Бунда Хитой жаҳондаги энг йирик озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиси бўлса ҳам йилдан йилга мамлакат ЯИМда қишлоқ хўжалигининг улуши пасайиб бораётганини қайд этиш зарур. 2016 йилда ушбу кўрсаткич 8,56%ни ташкил этган. Бу ХХР ташкил этилгандан бери энг паст кўрсаткич ҳисобланади⁴.

Халқаро озиқ-овқат товар айирбошланишида Хитой иштирокининг улуши давлат томонидан озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида протекционизм сиёсати юритилиши билан характерланади. Хитойни озиқ-овқат маҳсулотлари экспорти ва импортини таҳлили шуни кўрсатадики, ХХР йилдан йилга озиқ-овқат маҳсулотлари ва қишлоқ хўжалиги товарлари билан халқаро савдо қилишда салбий сальдони ушлаб турмоқда.

2016 йилда Хитойнинг озиқ-овқат экспорти қиймат кўринишида 77 млрд.долл.ни ташкил этди, бу кўрсаткич мамлакат умумий экспортининг 3%ни ташкил этади. Озиқ-овқат маҳсулотларини сотиш ХХР экспортининг муҳим қисми эмас, ушбу кўрсаткич бўйича Хитой АҚШ ва ЕИ мамлакатларидан орқададир.

Товар таркибини деталлаштирилган равишда ўрганилиб чиқилиши Хитой ташқи бозорга сув биоресурслари ва турли қайта ишланган сабзавот ва меваларни етказиб беришга ихтисослашганлиги кўринади (расм 1). Ундан ташқари, Хитой жаҳон бозорида қуритилган сабзавотлар (60%) ва пиёз (42%) етказиб бериш бўйича етакчи ўринларга эга. Моллюскалар ва қисқичбақасимонлар етказиб бериш тегишли равишда 1/5 ва 1/4 ни ташкил этади. Умуман олганда Хитой экспортини қайта ишланган озиқ-овқат маҳсулотларини сотишга йўналтирилган деб таъкидлаш мумкин.

ХХРда озиқ-овқат импорти қиймат кўринишида экспортдан тахминан 2 баробарга кўп бўлса ҳам умумий таркибда муҳим ўринни эгалламайди. ХХР озиқ-овқат маҳсулоти импорти қиймат миқдори АҚШнинг ушбу кўрсаткичига яқиндир ва ЕИ мамлакатлари кўрсаткичидан (иттифоқ ичидаги ўзаро савдони ҳисобга олган ҳолда) анча орқададир.


ХХР озиқ-овқат импорти таркибининг таҳлили (2-расм) шуни кўрсатадики, Хитой учун энг муҳим маҳсулот соя ловиялари ҳисобланади, улар импортининг қиймати 33,1 млрд.долл.ни таш-

¹ Хасбулатов Р. И. Россия между двумя субконтинентами Евразии: преимущества и новые угрозы // Экономика региона. – 2017. – Т. 13. – № 4. – С. 1005–1015.

² Боброва Л. Б. Продовольственная безопасность Китая как отражение экономического роста страны // Апробация. – 2013. – № 6 (9). – С. 41–43.; Кравченко А. А. Сергеева О. О. Политика Китая в области обеспечения продовольственной безопасности: модернизация аграрной сферы // Азиатско-Тихоокеанский регион: экономика, политика, право. – 2014. – № 3. – С. 57–65.

³ Data base of the Observatory of Economic Complexity. – URL: <https://atlas.media.mit.edu/ru/> (дата обращения: 20.11.2018).

⁴ Ўша ерда.

Расм 1. ХХРдан озиқ-овқат экспорти таркиби (қиймат кўринишида, млрд. долл.)¹.

кил этиб, жаҳон бозоридаги таклифининг 60% ини қамраб олган¹.

Бўлинмаган музлатилган балиқ, солод экстракти, чўчқа гўшти, озиқ-овқат субмаҳсулотлар, вино ва пальма ёғи ҳам импортда катта улушга эга. Қиймат миқдори бўйича унча катта бўлмаган кўрсаткич бўлса ҳам Хитой маниок²ни жаҳон бозоридаги таклифининг 50%ни сотиб олади, ушбу маҳсулот Осиё мамлакатларида нон маҳсулотларини ўрнини босувчи маҳсулот сифатида ишлатилади. Шу билан бирга Хитой жаҳон бозорида музлатилган балиқ, солод экстракти, озиқ-овқат субмаҳсулотлари, мевалар ва рапс таклифининг 14-29%ни импорт қилади.

Шундай қилиб, Хитойнинг озиқ-овқат хавфсизлиги борасида стратегияси ташқи бозорга қўшилган қиймати юқори бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини экспорт қилишдан ва кейинчалик мамлакат ичида қайта ишлаш учун қишлоқ хўжалиги хомашёсини импорт қилишдан иборат. Қайд этиш жоизки, Хитой учун стратегик аҳамиятга эга қишлоқ хўжалиги хомашёсини (соя ловиялари, жўхори, гуруч ва буғдой) импорти бўйича опера-

циялар давлат корпорациялари орқали амалга оширилади ва давлат монополиясидадир³.

Бундай ҳолат, бир томондан, мамлакатдан пул маблағлари кўплаб олиб чиқилишига тўсқинлик қилади ва протекционизмнинг классик моделларига мос келади, иккинчи томондан эса – мамлакатда экин майдонлари етишмаслиги ва экин майдонларидан кўплаб фойдаланиш эвазига катта ҳажмдаги ерларни фойдаланишдан чиқиб кетиши эвазига ишлаб чиқариш имкони бўлмаган маҳсулотлар билан Хитойни таъминлайди⁴.

Кейинги йилларда ерлардан фойдаланишнинг самарадорлиги талаб даражасида эмас. Сабаби – "...ерларнинг ирригация-мелиорация ҳолати ёмонлашаётганлиги, илмий ва амалий жиҳатдан асосланган алмашлаб экиш тўлиқ жорий этилмаётганлиги, суғориш иншоотларининг ишга яроқлилик ҳолати пасайиши, ерлардан самарали фойдаланганлик учун рағбатлантиришнинг


³ Crops in China: Grain, Imports, Exports and Gm Crops. – URL: [http:// factsanddetails.com/china/cat9/sub63/item345.html](http://factsanddetails.com/china/cat9/sub63/item345.html) (дата обращения: 10.12.2018).

⁴ Mahendra D. S., Zhong F. Trade and Stock Management to Achieve National Food Security in India and China? // China Agricultural Economic Review. – 2015. – № 7 (4). – P. 641–654.

¹ 1-расм ва 2-расм манбаи: URL: <http://www.moa.gov.cn/jg/>.

² Маниок (лот. *Mánihot esculénta*)— илдизини озиқ-овқат маҳсулоти сифатида истеъмол қилиш мумкин бўлган тропик ўсимлик

Расм 2. ХХРга озиқ-овқат импорти таркиби (қиймат кўринишида, млрд. долл.)



суслигидир¹. Аграр ерларнинг сифати тез ёмонлашмоқда. “70% ҳолатда Хитойдаги экин етиштирадиган ерлар паст ҳосилдор ерлар категориясига тегишлидир. Ерларнинг чўлларга айланиши, ерлар эрозияси, сув ресурслари дефицити, ернинг нордонлашиши ва ишқорлигининг ошиб бориши қишлоқ хўжалиги учун мос бўлган ерларнинг 40%ининг кучсизланишига олиб келди”².

Хитойда агро ишлаб чиқариш анъанага кўра секторга катта ҳажмда меҳнат ресурсларини жалб қилиш, қишлоқ хўжалигини интенсификациялаш ва кимёлаштиришга асосланади. Тармоқни кўп йиллар давомида ислоҳ қилиш натижасида мамлакат ўзини гўшт ва буғдой билан таъминлади³.

¹ Муминов Н.Г. Хитой Халқ Республикасида амалга оширилган ер ислоҳотлари – янги типдаги хўжалик тизимини шакллантириш асоси сифатида // Экономика и финансы (Ўзбекистан), № 1, 2016. Б.60.

² Муминов Н.Г. Хитой Халқ Республикасида қишлоқ хўжалигини ислоҳ этиш ва озиқ-овқат бозорларини ривожлантиришнинг йўналишлари // Экономика и финансы (Ўзбекистан), № 2, 2016. Б.49.

³ Госсовет КНР об усилении работы по обеспечению продовольственной безопасности. PRC State Council. – URL: http://www.gov.cn/zwgk/2012-07/03/content_2175891.htm (дата обращения: 22.09.2018).

Шуни қайд этиш керакки, ушбу соҳа доирасида кўп йиллар давомида олиб борилаётган ислоҳотлар олиб борилган бўлса ҳам Хитойнинг озиқ-овқат хавфсизлиги Стратегияси 2013 йилдагина қонунчилик билан белгилаб қўйилди. Расмий ҳужжатларда озиқ-овқат хавфсизлигига мамлакат ички ресурсларидан фойдаланишни оптималлаштириш орқали эришиш зарурлиги белгилаб қўйилган. Стратегия Хитойдан озиқ-овқат экспортини сезиларли равишда чегаралаб қўйди. Бунда ишлаб чиқарувчиларга ички бозор эҳтиёжларини 95%га қондириб кейин экспорт қилиш имконияти белгилаб қўйилди⁴. Ушбу позиция ХХР фуқароларини ички бозор эҳтиёжларига хилоф равишда амалга ошириладиган экспортдан ҳимоялади. Тармоққа инвестицияларни жалб қилишга ва ХХР ҳудудидан ташқарида экин майдонларини узоқ муддатга ижарага олиш бўйича шартномалар имзолашга берилаётган эътибор келажакда Хитой аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлашни оптималлаштириш учун асос

⁴ В «Первом центральном документе» подробно разъясняется проблема «Три деревни». Sina Corporation. – URL: <http://news.sina.com.cn/z/san-nong/> (дата обращения: 10.12.2018).

1-жадвал. ХХР миллий озиқ-овқат хавфсизлиги тизимининг SWOT-таҳлили

	Ижобий таъсир	Салбий таъсир
Ички муҳит	Кучли томонлари: давлат томонидан субсидияларни кўплиги; АСКда ўрта ва кичик корхоналарнинг кўплиги; ўзида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланиш; қишлоқ хўжалиги хомашёсини қайта ишлаш тизимини ривожланганлиги	Кучсиз томонлари: ноқулай географик шарт шароитлар; доимий равишда ёмонлашиб бораётган экологик ҳолат; миллат соғлиғи учун озиқ-овқат меъёрлари соҳасида қонунчиликни етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги; аҳолини қариши ва ёш кадрларни қишлоқ жойлардан миграциясининг ошиб бориши; ўзининг уруғлик ва зотдорлик базаларининг йўқлиги; давлатнинг озиқ-овқат резервининг мавжуд эмаслиги; ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан арзон озиқ- овқатларнинг йўқлиги
Ташқи муҳит	Имкониятлари: ички бозорга озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш учун қишлоқ хўжалик майдонларини ижарага берилиши; озиқ-овқат экспортининг диверсификация даражасини юқорилиги	Хатарлар: халқаро озиқ-овқат бозорини сиёсатлаштирилганлиги даражасининг ортиши; қишлоқ хўжалиги хомашёси импортига боғлиқликни ортиб бориши; ХХРда ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотларининг экологик кўрсаткичларининг пасайиб бориши; Хитойда ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсиз эмаслиги сабабли паст даражада рақобатбардошлиги

бўлиши керак, ва натижада, миллатни меҳнатга лаёқатлилигини ошириш ва соғлиғини сақлашни таъминлайди.

Шу билан бирга, Хитойнинг ушбу соҳадаги ҳолати қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерларни катта ҳажмда яроқсиз ҳолатга келиши билан ёмонлашиб бормоқда. Муаммо тармоқни ортиқча интенсификацияланиши билан, ҳамда гени такомиллаштирилган (ГТ) экинлар экилиши учун зарур бўлган ерларни турли кимёвий ўғитлар ва реагентлар билан ишлов бериш зарурлиги натижасида вужудга келган¹. Иккинчи омил – кимёвий ўғитлар билан заҳарланган ерларни ўз ҳолатига қайта тиклаш комплекс чоралари ўта қимматбаҳодир.

Ундан ташқари, ўзининг уруғлик ва зотдорлик базаларининг йўқлиги ХХР ва АҚШ ўртасида сиёсий ва иқтисодий низолар мавжудлиги фониди ҳолатни янада ёмонлаштиради, чунки АҚШ ГТ-уруғларни таъминотчиси ҳисобланади.

Ушбу ва бошқа муаммоларни Хитой тармоққа маблағ ажратилишини босқичма-босқич ошириб бориш ҳисобига энгиб ўтмоқчи. 2012 йилдан бош-

лаб тармоққа давлат ажратмалари кескин оширилиб борилмоқда. Натижада ХХР тармоққа давлат маблағ ажратилиши бўйича жаҳонда етакчига айланди, қиймат миқдориди ушбу кўрсаткич ЕИ кўрсаткичига нисбатан икки баробар ва АҚШникига нисбатан беш баробарга каттадир².

ХХРда қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат³:

- ишлаб чиқарувчиларни ёқилғи-энергия маҳсулотларига, ўғитларга харажатларини компенсациялаш;
- биринчи заруратдаги озиқ-овқат маҳсулотларига нархларни давлат томонидан тартибга солиниши;
- озиқ-овқат маҳсулотларига кафолатланган нархларни белгиланиши;

² Estimate of Support to Agriculture: Total Support Estimate (TSE), Percentage TSE (% of GDP). – URL: <http://stats.oecd.org> (дата обращения: 12.08.2017).

³ В «Первом центральном документе» подробно разъясняется проблема «Три деревни». Sina Corporation. – URL: <http://news.sina.com.cn/z/san-nong/> (дата обращения: 10.12.2018).; Госсовет КНР об усилении работы по обеспечению продовольственной безопасности. PRC State Council. – URL: http://www.gov.cn/zwgk/2012-07/03/content_2175891.htm (дата обращения: 22.09.2018).

¹ Китай будет укреплять систему контроля продовольственной безопасности и улучшать ситуацию с продуктами питания. Sina Corporation. – URL: <http://nancesina.com.cn/chanjing/cyxw/20140507/101719027397.shtml> (дата обращения: 30.11.2018).

– баъзи солиқ турларини тўлашдан озод этиш орқали намоён бўладиган солиқ имтиёзлари (масалан, фойда солиғи, қишлоқ хўжалиги солиғи, баъзи ҳолларда ҚҚСни қайтариш);

– инновацияларни жорий этиш.

1-жадвалда ХХР озиқ-овқат хавфсизлиги тизимининг таҳлили натижалари баён этилган.

Хулоса ва таклифлар. Шундай қилиб, очарчилик ва тўйиб овқатланмаслик билан қарши курашда узоқ ва машаққатли йўлни босиб ўтган Хитой муваффақиятли амал қилувчи озиқ-овқат хавфсизлиги тизимини яратди, унинг тамал тоши бўлиб маҳаллий ишлаб чиқарувчига нис-

батан протекционизм, тармоққа давлат томонидан катта маблағларни ажратилиши ва ички истеъмолни экспортдан устунлиги ҳисобланади. Шу билан бирга, ХХР жаҳондаги йирик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиси бўлишига қарамасдан ўзини тўлиқ озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлай олмайди ва катта ҳажмда қишлоқ хўжалик хомашёсини импорт қилишга мажбур. Глобал зиддиятлар даврида ўзининг уруғлик ва зотдорлик базаларининг йўқлиги ХХР ҳукумати олдида яқин келажақда ушбу масалаларни ечиш вазифаларини қўймоқда.

Адабиётлар рўйхати:

1. Боброва Л. Б. Продовольственная безопасность Китая как отражение экономического роста страны // Апробация. – 2013. - № 6 (9). – С. 41–43.
2. В «Первом центральном документе» подробно разъясняется проблема «Три деревни». Sina Corporation. – URL: <http://news.sina.com.cn/z/sannong/> (дата обращения: 10.12.2018).
3. Госсовет КНР об усилении работы по обеспечению продовольственной безопасности. PRC State Council. – URL: http://www.gov.cn/zwgk/2012-07/03/content_2175891.htm (дата обращения: 22.09.2018).
4. История государства и права зарубежных стран / под общ. ред. О. А. Жидкова, Н. А. Крашенинниковой. – 2-е изд. стереотип. – Ч. 1. – М.: Норма, 2004.
5. Китай будет укреплять систему контроля продовольственной безопасности и улучшать ситуацию с продуктами питания. Sina Corporation. – URL: <http://nance.sina.com.cn/chanjing/suwxw/20140507/101719027397.shtml> (дата обращения: 30.11.2018).
6. Кравченко А. А. Сергеева О. О. Политика Китая в области обеспечения продовольственной безопасности: модернизация аграрной сферы // Азиатско-Тихоокеанский регион: экономика, политика, право. – 2014. – № 3. – С. 57–65.
7. Хасбулатов Р. И. Россия между двумя субконтинентами Евразии: преимущества и новые угрозы // Экономика региона. – 2017. – Т. 13. – № 4. – С. 1005–1015.
8. Mahendra D. S., Zhong F. Trade and Stock Management to Achieve National Food Security in India and China? // China Agricultural Economic Review. – 2015. – № 7 (4). – P. 641–654.
9. Муминов Н.Г. Хитой Халқ Республикасида амалга оширилган ер ислохотлари – янги типдаги хўжалик тизимини шакллантириш асоси сифатида // Экономика и финансы (Ўзбекистан), № 1, 2016. Б.53-61.
10. Муминов Н.Г. Хитой Халқ Республикасида қишлоқ хўжалигини ислоҳ этиш ва озиқ-овқат бозорларини ривожлантиришнинг йўналишлари // Экономика и финансы (Ўзбекистан), № 2, 2016. Б.46-54.